

**ЭРТА ТУГРУҚДА ҲОМИЛАДОРЛИКНИ ОЛИБ  
БОРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВ**

*Артикова Наргиза Усмановна*

*Республика ихтисослаширилган она ва бола саломатлиги  
илмий-амалий тиббиёт маркази. Тошкент. Ўзбекистон.*

**Долзарблиги.** Эрта туғруқ муаммоси доимо катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Шунча харакатларга қарамай, ушбу ҳолатлар камаймаган. Дунёнинг 184 мамлакатида эрта туғруқ даражаси 5 дан 18% гача ташкил этади. Эрта неонатал ўлимнинг 60-70 фоизини эрта туғилган чақалоқлар ташкил қиласди, уларнинг 50 фоизида турли даражадаги неврологик касалликлар юзага келади. Перинатал касалланиш ва ўлимни камайтириш учун ҳомиладорлик ва туғиш асоратларини эрта ташхислаш, прогнозлаш ва оқилона даволаш тактикасини танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бизни хозирги илмий изланишимиз айнан оптимал даволаш тактикани танлашга қаратилган. Сўнгги пайтларда пайдо бўлган усуllар орасида сурфактантни антенатал даврда қўллаш усули ўрганилмоқда, бу усул келажакда чақалоқларда эндотрахеал муолажаларга бўлган еҳтиёжни камайтиради.

**Мақсад.** Эрта туғруқ хавфи юзага келганда ҳомиладорларга антенатал даврда сурфактант бериш орқали эрта туғилган чақалоқларда касалланиш ва ўлим ҳолатларини камайтириш.

**Тадқиқот усуllари.** “РИОвАБСИАТМ” ДМда эрта туғруқ юзага келган ҳомиладорларнинг касаллик ва туғруқ тарихини ретроспектив таҳлилини олиб бориш.

**Натижалар.** Тадқиқотимизда ҳомиладорлик муддати 28 хафталикдан 32 хафталикгacha бўлган 18 ёшдан 35 ёшгacha, 1 ҳомилали ҳомиладорлар касаллик тарихи ўрганилди. Ҳомила туғма нуқсонлари аниқланган ҳомиладорлик касаллик тарихлари тадқиқотимиздан чиқарилди. Жами 22 та касаллик тарихи ўрганилди. Ҳомиладорларда антенатал даврда УТТ допpler орқали текширилган 68,1 %( $n=15$ ) бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиш бузилишининг оғир даражаси ташхиси қўйилган, 31,9% бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиш бузилишининг 2 даражаси қўйилган, бачадон бўйни узунлиги  $\geq 25\text{mm}$ . Ҳомила биофизик параметрлари ҳомиладорлик муддатларига мос келади, 18 нафарида преэклампсия оғир даражаси, ташхиси қўйилган ва тегишли муолажалар олиб юришган, 1 нафарида ноаниқ йўлдош касаллиги аниқланган.

Кўриб чиқилган ҳомиладорларнинг барчасида туғруқ муддати 32 хафталикга тўғри келди, назорат қилинмайдиган қон босими туфайли, ҳамда ҳомила ноаниқ ҳолати кўрсатма сифатида олиниб кесар кесиши амалиётига олинган. Чақалоқлар туғилганидан сўнг барчаси ўта оғир ҳолатда чақалоқлар

реанимацияси бўлимига ётқизилган. Шундан 72,72% (n=16) чақалоқлар туғилганидан сўнг неонатологлар томонидан Апгар шкаласи бўйича 2-4 балл билан баҳоланганд, 27,28%(n=6) эса Апгар шкаласи бўйича 3-5 балл билан баҳоланганд. 72,72% (n=16) чақалоқлар реанимация бўлимида 1 кун даволанганд ва эрта чақалоқлар ўлими кузатилган, 4,5%(n=1) чақалоқлар реанимацияси бўлимида 4 кун муддат даволанганд сўнгра эрта чақалоқлар ўлими кузатиланд, 18,2% (n=4) нафари чақалоқлар реанимация бўлимида 14 кун муддат даволанганд ва касалхонадан чиқарилган.

**Хуроса.** Кўпчилик адабиётлар, мақолалар таҳлили асосида биз ушбу холатларда юзага келган эрта чақалоқлар ўлими ва касалланиш холатларини камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Агар ҳомиладор аёлларга антенатал даврда, эрта туғруқ хавфи юзага келиши мумкин дея гумон қилинганида ёки ташхис қўйилганида антенатал даврда сурфактант моддасини жўнатганимизда касалланиш ва ўлим холатларини камайтириш мумкин дея хуросага келдик. Келгусида илмий тадқиқодларимизни шу йўналишда давом эттирамиз.